

АНЕКТОДЛАРДАГИ ОБРАЗЛАР ЛИНГВОМАДАНИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА



Зиёдажон Зарипова

Магистрант,
Немис филологияси кафедраси, Хорижий филология факультети,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Тақризчи: Филол. ф.н., доцент Якубов С.



<https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue04-a7>

Аннотация: Ушбу мақолада анекдодларнинг ҳазил ва латифалардан фарқи ҳамда анекдодлардаги образлар лингвомаданий ҳодиса эканлиги тўғрисида сўз юритилади. Биз бир хил маъно ифодалайди деб ўйлаган анекдод, латифа, ҳазил (Witz) терминлари аслида бир- бирига ўхшаш аммо фарқ қилувчи маъноларни ўзида мужассам этди. Бундан ташқари анекдодлар, ҳазиллар, латифалардаги образлар ёрдамида биз шу халқнинг маданияти, яшаш тарзи билан ҳам яқиндан таниша оламиз.

Калит сўзлар: Анекдод, латифа, ҳазил, мутойиба образ, лингвомаданият.

ОБРАЗЫ В АНЕКДОТАХ КАК ЯЗЫКОВЫЕ ЯВЛЕНИЯ

Зиёдажон Зарипова

Аннотация: В этой статье обсуждается разница между анекдотами и анекдотами и тот факт, что изображения в анекдотах являются лингвокультурным феноменом. Термины анекдот, анекдот и шутка (Witz), которые, как мы думали, означают одно и то же, на самом деле имели похожие, но разные значения. Кроме того, с помощью анекдотов, анекдотов, изображений в анекдотах мы можем познакомиться с культурой и бытом этого народа.

Ключевые слова: анекдот, шутка, образ шутки, лингвокультура.

IMAGES IN ANECDOTES AS LANGUAGE PHENOMENA

Ziyodajon Zaripova

Abstract. This article discusses the difference between anecdotes and anecdotes and the fact that images in anecdotes are a linguocultural phenomenon. The terms anecdote, anecdote, and joke (Witz), which we thought meant the same thing, actually had similar but different meanings. In addition, with the help of anecdotes, anecdotes, images in anecdotes, we can get acquainted with the culture and life of this people.

Key words: anecdote, joke, joke image, linguistic culture.

Филология / Филология / Philology

Кириш

Инсон ҳар доим ҳам жиддий кайфиятда, дарғазаб ҳолда кун кечир олмайди. Шу сабабдаб ҳам анектод, латифа ва кундалик ҳазиллар инсонлар ҳаётида ажралмас ўрин эгаллайди.

Анектод – бу ҳақиқатда содир бўлган воқеаларнинг қисқа, қизиқарли баёни. [1, 216].

Л.И.Тимофеев ва С.В.Тураевларнинг ёзишича, «анекдот» термин сифатида биринчи марта VI асрда Византияда Прокопийнинг «Махфий тарих» асарига нисбатан қўлланилган. Бир вақтлар Италияда қисқа оғзаки ҳикоялар бўлган фаблио ва фатсесийларни, Россияда эса маиший халқ эртақларини анектод деб хисоблашган» [2].

Адабиёт тарихчиларининг тахмин қилишларича, «анекдот» терминининг пайдо бўлишида Византия императорларининг тарихини ёзган Кесариялик Прокопий сабабчи бўлган. У ёзган тарихий асарни «Анектода» сўзи билан аташган. Илгари нашр этилмаган Византия саройи ҳаёти ҳақидаги махфий маълумотларга эга бу асарни рус тарихшунослари «Махфий тарих» («Тайная история») ибораси билан аташади. Бора-бора машҳур шахслар ҳақидаги ҳикояларни «анекдот» термини билан аташган.

Асосий қисм

Бундай ҳикоялар тингловчиларнинг қизиқишини орттирган, улардаги персонажларнинг характерини яхшироқ тушунишга ёрдам берган, уларнинг фаолияти ва муомалаларига кўпинча ўзгача талқин беришган.

Масалан: Kopf unter dem Hut – Shlyapa ostida bosh anektodini olaylik:

Der dänische Märchenautor Hans-Christian Andersen zog sehr schlampig an. Einmal fragte ihn ein junger Giftpilz: "Dieses jämmerliche Ding auf ihrem Kopf nennen Sie Hut?"

Andersen blieb aber ruhig und antwortete: "Dieses jämmerliche Ding unter ihrem Hut nennen Sie Kopf?"

Ушбу анектоддаги Ханс-Кристиан Андерсен образи реал ҳаётда яшаб ўтган машҳур эртақчидир. Даниялик эртақ муаллифи Ханс-Кристиан Андерсен жуда ночор кийинган эди. Бир куни ёш тўда ундан сўради: “Сиз бошингиздаги бечора нарсани шляпа дейсизми?”

Аmmo Андерсен хотиржам жавоб берди: “Сиз шляпангиз остидаги бечорани бош деб атайсизми?”

Андерсин қандай ақилли, зукко шахс бўлганини унинг моҳирона жавобидан билиб олишимиз мумкин. Ушбу образни очиб бериш учун анектодда schlampig -ночор, ruhig - хотиржам каби сифатлар қўлланган.

In Welchem Richtung?- Qaysi yo'nalishda?

Am Stachus in München sprach ein Fremder den Schauspieler und Komiker Karl Valentin an: "Sie, wie weit ist es denn von hier bis zum Bahnhof?"

Valentin meinte: Wen Sie so weitergehen wie bisher, sind es noch 4000 Kilometr. Wenn Sie aber umdrehen, bloß fünf Minuten."

Бу анектода ҳам машҳур шахс образ сифатида танланган Карл Валентин ўз даврида жуда машҳур актёр бўлган у ўйнаган барча роллар тамошабинлар тамонидан яхши кутиб олинган.

Бир куни бир бегона инсон Валентиндан вакзалгача қанча масофа борлигини сўрайди, Валентин унинг саволига ажойиб тарзда жавоб

Филология / Филология / Philology

қайтаради яни сиз йўлни ҳаммадан сўрайверсангиз аниқ вакзалгача 4000 км лекин сал ўзингиз атрофга қарасангиз 5 дақиқалик йўл.

Ушбу анекдот Европа халқларига тушунарли ва кулгили бўлиши мумкин, аммо бошқа халқлар учун бу оддий матндай, қизиқарсиз туйилади, чунки биз Европа маданияти билан таниш бўлмаслиги ва шу анекдотлардаги образлар ҳақида, уларнинг ҳаёт тарзи қандай бўганлигини билмаслиги мумкин.

Тилшуаос олим С.Махдиев анекдот ҳақида сўз юритиб, жумладан шундай дейди: “Анекдот сўзининг яна бир неча тушунчалари бўлиб, уни Полшада «переклад», Италияда “фатсесия”, Францияда «фаблио», Германияда «witz» деб юритилади. [3,86]. Аммо ҳазил (Witz) анекдотдан фарқ қилади.

Ҳазил(Witz)- бу бизни хурсанд қилиш учун мўлжалланган кичик изоҳ асосан бир бирига тегишли бўлмаган нарсалар бирлашган кулгули ҳолат. [1,216]

Ҳазилларнинг анекдотлардан фарқи шундаки уларда реал воқеалар эмас балки, бир бирига боғлиқ бўлмаган қисқа, қизиқарли тўқима воқеалар ўрин эгаллайди.

Масалан: Vater und Soh gehen spazieren. Plötzlich grüsst der Kleine einen wildfremden Mann. Fragt der Vater:

— Wer war denn das?

— Einer vom Umweltschutz. Er fragt Mutti immer, ob die Luft rein is ...

Ушбу ҳазилда оддийгина ота ва ўғил ўртасидаги суҳбат баён қилинган. Ушбу воқеа ҳаётда содир бўган ёки бўлмагани бизга наъмалум. Бу ҳазил Европа халки маданиятини ифадалайди.

Латифа арабча сўз бўлиб - ҳазил мутойиба, хозиржавоблик, ҳамда ҳазлик маъноларини билдиради.[4,896] Ҳар бир латифада маълум бир мақсад ётади. Латифалардаги асосий образ бу Насриддин Афанди образидир.

Навбатдаги мағлубиятдан кейин Ўзбекистон футбол ишқибозлари чойхонага кириб аскиялашиб ўтиришганмиш:

— Ман ўйинчиларимиз тепган тўпини капалакка ўхшатдим.

— Нега?

— Бурчакдан тўп тепишлари ҳудди капалак оҳиста учиб, рақиб дарвозабонини қўлига секингина қўнгандай бўлганлиги учун...

— Мен эса ўйинчиларимизни эртақларимиздаги кенжа ботирга ўхшатдим.

— Нега?

— Тўп билан дарвозага яқин келганда дарвозага тепайми, чапга оширайми ёки ўнганми? - деб чуқур ҳаёлга ботишганлиги учун...

— Мен эса ўйинчиларимизни меҳмондўст азаматларга ўхшатдим.

— Нега?

— Ҳеч кўптокни талашишмайди. Олинг-олинг деб меҳмонларга узатгани учун...[6]

Ушбу латифа спорт мавзусига оид бўлиб унда футболчиларимизнинг ҳолати биров кулгули тарзда ифодаланган. Бу латифа орқали нафақат футболчиларимизнинг ҳатти ҳаракат балки ўзбек халқининг меҳмондўст, очиқ кўнгил эканлиги, ҳатто рақибларига ҳам озор беришни истамаслиги кўрсатиб берилган.

Филология / Филология / Philology

Ривоят қилишларича Хўжа Насриддин бутун дунёни кезиб, қайтиб келгандан кейин Зарафшон бўйидаги тепалик устига чиқиб, ота- онасини соғинган фарзанд деб кўз тутган тўлқинланиб оқаётган Зарафшон дарёсига узоқ термулиб сўнгра ҳамқишлоқларига мурожаат қилиб: «агар мен дунёдан ўтсам, қабрим шу тепалик устида бўлсин!»[5.4б] деб васият қилган экан. Насриддин Афанди образи нафақат Ўзбекистонда балки Ўрта Осиё халқлари орасида маълум ва машхур.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак анекдотлар, ҳазиллар, латифаларда маълум бир давр, маълум бир мамлакат ёки халқнинг маънавияти, одоб - охлоқи ҳақида бахс юритилади ва уларни етказиб беришда турли образларда фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Gabriele Keller, Churram Raximov. Einführung in die Märchenforschung. – Т.: Fan, 2004.
2. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. Словарь литературоведческих терминов. -М.: 1974.
3. Махдиев С. Проблемаи жанри латифа. Душанбе: Дониш, 1977.
4. Холидий Х, Абдуллаева И, Иброхимова С. Адабиятшунослик терминлар луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1970.
5. <https://latifa.uz/tag/sport>
6. Hoshimov N. Erkin Vohidov ijodida yumor.-Т.: “O‘zbekiston” 2005.
7. Sultanov A. Nasridin Afandi va Aldarko’sa obrazlarining mushtarak ildizlari xususida. Jurnal. “O‘zbekiston” 2005.

8. Kellen Tony. In der Anekdote: Eine Kulturgeschichte in vierhundert Anekdoten. 1869.
9. Ташканов С. Сатира санъати. Тошкент. 1985.
10. Volker Weber. Anekdote. Die andere Geschichte. Erscheinungsformen der Anekdote in der deutschen Literatur, Geschichtsschreibung und Philosophie. Stauffenberg, - Tübingen, 2008.